

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ
Директори Хожаонов Д. Хужаонов



2022й

БУЮРТМАЧИ:

“Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ

**2022 йил давомида йўл қуриш ишларида ишлатишга
асфальтобетон махсулотлари сотиб олиш учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Туракургон т.-2022 й.

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ№684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1 2022 йил давомида йўл қуриш ишларида ишлатишга Асфальтобетон смес горячая шебеночная крупнозернистая пористая М-II махсулотлари сотиб олиш учун.
- 1.2. Танлов обьектини тахминий қиймати – **1 092 500 000 (Бир миллиард туксон икки миллион беш юз минг) сўм ҚҚСни хисобга олган холда.** Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якуnlари бўйича ғолиб чиқсан Етказиб берувчи билан шартнома тузилади.

- 1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб, 31.12.2022 йилгача.
- 1.4.Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

II. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Тўракўрғон тумани, Оқтош шахарчаси, Осойишта кўчаси 70 уй

Эл.адрес: mbabdullaev@inbox.uz

- 2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ биносида “Буюртмачи”нинг Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

III. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, саноат ва ишлаб чиқариш обектларида хизмат кўрсатишга рухсатномаси (агар талаб этилса) бор, ҳамда камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- Етказиб берувчи, ишлаб чиқарган махсулотига мувофиқлик сертификатига, паспортига эга бўлиши;
 - Таъминотчи талабномасига асосан белгиланган вақтларда махсулотни ишлаб чиқариб бериши (кафолат хати);
 - Ишлаб чиқарувчи бўлиши шарт. Гувохнома, Фаолият лицензияси эга булиши керак.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялашибиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.



3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида
турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок,
холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий
қарамлиги мавжудлар.

IV.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИУЧУН АЛОХИДА ТАЛАБЛАР

4.1. Танловда саноат ва ишлаб чикариш обектларида ишлаган барча юридик мақомга эга
бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

